Фикрлаш – ўзинг билан ўзинг баҳслашиш демакдир!

# INTELLEKT

ижтимоий-таълимий, маданий-маърифий газета

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

2020-yil 2-sentabrdan chiqa boshlagan ● 2021-yil, 31-may № 10(18) ● www.samdchti.uz ● E-mail:intellektinfo@inbox.uz

## ЕХҲТ МИССИЯСИ ЭКСПЕРТЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

**Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Феруза Эшматова Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси (ЕХҲТ ДИИҲБ ЭБМ) экспертлари Алексей Громов ва Мартина Баркер-Циганникова билан учрашди.**



Учрашувда Омбудсман сўнгги йилларда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан амалга оширилаётган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ кенг қамровли ислоҳотлар ҳақида маълумот берди.

Таъкидланганидек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида Омбудсман институтининг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг қамоқда сақланаётган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини янада кенгайтиришга қаратилган "Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Омбудсманга Конституциявий судга масалалар киритиш, унинг мажлисларида иштирок этиш ва ушбу тадбирларда ўз нуқтаи назарини баён этиш, фуқаролар манфаатларини кўзлаб ариза ва даъволар билан судларга давлат божи тўламасдан мурожаат этиш ҳуқуқ ва ваколатлари берилди.

2019 йилда Омбудсман ҳузурида қийноқларнинг олдини олиш бўйича Миллий превентив механизм йўлга қўйилиб, бу орқали жазони ижро этиш муассасалари, тергов ҳибсхоналари ва бошқа ёпиқ муассасаларда инсон ҳуқуқларининг таъминланиши бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Учрашувда жорий йилдан Омбудсман ҳузуридаги қийноқларнинг олдини олиш бўйича Миллий превентив механизм доирасида жазони ижро этиш муассасалари, тергов ҳибсхоналари ва бошқа ёпиқ муассасаларга жамоатчилик вакиллари ҳамда ОАВ иштирокида ўтказиладиган мониторинг ташрифлари тизимли йўлга қўйилгани ҳамда бу борада Парламентга мунтазам тарзда маълумотнома киритиб бориш амалиёти йўлга қўйилгани қайд этилди.

Шунингдек, ўзаро мулоқот давомида ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, 2021 йилда Омбудсман номига юборилаётган мурожаатлар таҳлили ҳамда шу йил мамлакатимизда бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов жараёнларида Омбудсманнинг ўрни юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди.

**Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) матбуот хизмати.**

**Халқимиз илм заҳматларини игна билан қудуқ қазишга қиёслаган. Аслида ҳам шундай. Масалан, асалари бир қатра бол, нектар йиғиш учун минглаб километр масофани босиб ўтгани, миллионлаб гул-у баргларга, гиёҳ-у қиёқларга қўнганидек, олим ҳам муайян бир илмий нуқтаи назарга келиш учун ана шундай машаққатли илм йўлларини босиб ўтади.**

## ИЛМГА БАХШИДА УМР

Мана шундай машаққатли вазифаларни сабот билан бажариб келаётганлардан бири – Самарқанд давлат университети ўқув ишлари бўйича проректори, физика-математика фанлари доктори, алгебра ва геометрия кафедраси профессори Аҳмаджон Солеевдир. Уни ўзгалар дардини ўз дардидек қабул қила оладиган, ўзгаларнинг ютуғидан ўз ютуғидек хурсанд бўла оладиган инсонлардан бири дейишимиз мумкин. Аҳмаджон ҳар бир фикр-у мулоҳазаларини математика призмасидан ўтказади, ранг-баранг ҳаётий далиллар билан нутқининг соддалиги ва равшанлигига эришади.

Бўлажак олим илмий изланишлар олиб борди. У 1982 йилда Москва электрон машинасозлик институтининг илмий кенгашида "Аналитик чизиқларнинг тармоқларини ажратиш" мавзуси бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Аҳмаджон Солеевнинг илмий мақолалари Фанлар академиясининг журналида чоп этилгач, унга Чикаго штатининг Ели университети талабаларига маъруза ўқиш учун уни ўзларига таклиф қилишган эди. Бироқ ёш олимнинг тадқиқотлари мудофаа манфаатларига дахлдорлиги боис унинг хорижга чиқиши мумкин эмас эди. Аҳмаджоннинг Афғонистонга, Қобил университети математика факультетига ишга бориш нияти ҳам шу тариқа чек қўйилди.

1991-1994 йилларда ёш, зукко олим жаҳоннинг турли давлатларида ўтказилган нуфузли анжуманларда иштирок этиб, илмий ютуқлари билан дунё олимларининг эътиборини қозонди.

**(Давоми 2-бетда)**

## КАДРЛАР ХИЗМАТИ СОҲАСИДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4502-сонли қарори асосида бугунги кунда нафақат бизнинг институт, балки ҳар бир давлат ташкилотларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар ва ходимлар маълумотлари ягона миллий меҳнат тизимига киритилди. Шунингдек, ишга янги қабул қилинган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар кетма-кетликда киритилиб борилмоқда.**

Ушбу қарорларнинг қабул қилиниши ва Ягона миллий меҳнат тизимининг жорий этилиши жуда кўп қулайликлар яратди. Бунга биргина мисол, ходимларни очиқ, шаффоф танлов орқали, меритократия талаблари асосида танлаб олиш тизими яратилди. Бу очиқ танловлар Ягона миллий меҳнат тизимига киритилган маълумотларга таянади. Шунингдек, биринчи марта ишга кираётган фуқароларга қоғоз меҳнат дафтарчаларини расмийлаштириш, дафтарча учун пул кўчириш, олиб келиш каби ортиқча ҳаракатларга ҳам барҳам берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 августдаги "Рақамли Ўзбекистон 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ 6079-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 октябрдаги 535-сонли буйруғига асосан Олий таълим тизимини модернизация қилиш доирасида ОТМларда бугунги кунда HEMIS – олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими ишлаб чиқилган ва бу тизимга ҳам фаолият олиб бораётган барча профессор-ўқитувчилар ҳамда ходимлар маълумотлари киритилиб борилади. Ваҳоланки, ҳар иккала тизимга ҳам бир хил маълумотлар киритилиши керак.

**(Давоми 2-бетда)**

## МАҚСАДИМИЗ — ЁШЛАРИМИЗНИНГ БИЛИМ ОЛИШЛАРИ УЧУН БАРЧА ИМКОНИЯТЛАРНИ ЯРАТИШДИР

**Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитлар яратиш, улғайиб келаётган ёш авлоднинг илм-фанга бўлган интилишларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш борасидаги ислоҳотларни тизимли амалга ошириш, шунингдек, академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида юртимизда кўплаб ислоҳотлар олиб борилмоқда.**

Жумладан, муҳтарам Президентимизнинг 2020-йилнинг 3-декабрида "Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-4910-сон Қарори қабул қилинди.

Академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш учун илғор хорижий мамлакатларнинг малакали экспертларини жалб қилиш, лицей ўқувчиларининг камида битта хорижий тилни пухта ўзлаштириб чиқиши учун дарс машғулотларига юқори малакали педагогларни жалб қилиш, таълим инфратузилмасини мунтазам равишда ривожлантириб бориш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни академик лицейларга саралаб олиш, шунингдек, чуқурлаштирилган таълим дастурлари асосида ўқитиш, академик лицейлардаги мавжуд моддий-техник базани мустаҳкамлаб бориш, билимларни мустақил шакллантириш учун шароит ва имкониятларни кенгайтириш кабилар мазкур қарорда алоҳида белгилаб ўтилди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд давлат чет тиллар институти академик лицейида ҳам бир қатор истиқболли режалар амалга оширилди. Жумладан, мазкур ўқув йилида ўқувчилар ичида танлов эълон қилиниб, энг иқтидорли аълочи ўқувчилардан 10 нафарига "Академик лицейимиз ифтихори" стипендияси, 25 нафарига эса "Ректор стипендияси" берилди.

Педагог ходимларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида ўқувчилари вилоят ва республика олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллаган ва 70% дан юқори кўрсаткичга эга бўлган педагог ходимларнинг 10 нафарига 30% гачаустама белгиланди.

Шунингдек, академик лицей фаолиятини ривожлантириш мақсадида Самарқанд давлат чет тиллар институти томонидан 1 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан 2 та замонавий IT хоналари ташкил этилди. Ушбу IT хона моддий-техник базасини ривожлантириш учун 30 та замонавий "моноблок" компьютерлар ўрнатилди.

Академик лицей моддий-техник базасини ривожлантириш учун 20 дона телевизор, 16 дона проектор, 10 дона компьютер жамланмаси сотиб олинди. Ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг оммавий спорт билан шуғулланишлари учун спорт анжомлари, кутубхонадан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида кутубхонага замонавий адабиётлар, ўқув қўлланмалар олиб келинди. Шунингдек, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун жами 49 миллион сўмлик 22 турдаги спорт жиҳозлари ва 9 турдаги мусиқа асбоблари билан таъминланди.

Академик лицейда таълим йўналишлари борасида гапирадиган бўлсак, 2021-2022 ўқув йили учун умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфини якунлаган иқтидорли ўқувчилар қуйидаги йўналишлар бўйича танлов асосида ўқишга қабул қилинади:

— Хорижий тиллар ўзбек гуруҳи (инглиз, немис, француз тиллари);

— Хорижий тиллар рус гуруҳи (инглиз тили);

— Шарқ тиллари (корейс, япон, хитой, араб тиллари);

Ҳозирда ушбу таълим йўналишларига ўқишга қабул давом этмоқда ва саралаш босқичлари ўтказилиб келинмоқда. Халқаро олимпиадалар, танловлар, мусобақалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ташкил этилган фан олимпиадалари III босқичида 1 дан 5 гача бўлган ўринларни эгаллаган 9-синф ўқувчилари саралаш имтиҳонидан озод этилади ва академик лицейимизнинг тегишли таълим йўналишига белгиланган қабул квотасидан ташқари имтиҳонсиз қабул қилинади.



Академик лицейимизда 700 га яқин ўқувчи таҳсил олади. Ўқитувчилар эса 90 нафарни ташкил этади. Шундан 5 нафари илмий даражага эга, 46 нафари эса халқаро ва миллий тил билиш сертификатлари соҳибларидир. Лицейимиз хорижий тилларни ўқитишга ихтисослашгани учун бу ерда бевосита 6 нафар хорижлик малакали мутахассислар ҳам фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, 20 дан ортиқ тўгараклар фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Яратилган имкониятлар самараси ўлароқ, ўқувчи йигит-қизларимиз ҳам бир қатор ютуқларга эришиб келишмоқда.

Бундан ташқари, ўқувчиларимизни турар жой билан таъминлаш мақсадида Самарқанд давлат чет тиллар институти талабалар турар жойидан 100 та ўрин ажратилди ва уч маҳал имтиёзли овқат билан таъминланади.

Амалга оширилаётган барча истиқболли режаларимиз келажакда ўқувчи-ёшларнинг мукаммал билим олиб, ўз соҳасининг устаси бўлиб етишишида муҳим ўрин эгаллайди, деган умиддамиз. Мақсадимиз ўқувчиларимизнинг фанларни чуқур ўзлаштиришлари учун барча шарт-шароитларни имкон қадар яратиб беришдир.

**Зокир БОЗОРОВ,**
**Самарқанд давлат чет тиллар институти академик лицейи ижрочи директори.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Самарқанд вилояти филиали қошида давлат хизмати учун янги авлод кадрларини шакллантириш мақсадида тажриба-синов тариқасида "Келажак лидерлари" клуби ташкил этилди.**

## САМДЧТИ ТАЛАБАСИ "КЕЛАЖАК ЛИДЕРЛАРИ" САФИДАН ЖОЙ ОЛДИ

Клуб аъзолари тўрт турдан иборат саралаш босқичлари орқали саралаб олинди. Ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинган саралаш босқичи ҳақидаги платформа бўйича 518 та ҳужжат қабул қилинди. Низомда белгиланган талаблар асосида тўрт босқичда синовдан ўтказилган номзодлар орасидан энг муносиб 50 нафар лидер-ёшлар клуб аъзолигига қабул қилинди. Уларнинг 18 нафари олий таълим муассасалари талабалари бўлса, 32 нафари ёш давлат фуқаролик хизматчиларидан иборат.



Булар орасида Самарқанд давлат чет тиллар институти 2-босқич талабаси Элбек Буриев ҳам саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтиб, лидерлар сафидан жой олди.

— Эндиликда биз ўз фаолиятимиз давомида жамият тараққиётига ғов бўлаётган муаммоларни ўз фуқаролик позициямизда намоён қилган ҳолда бартараф қилишга ҳаракат қиламиз. Бунда биз лидерлар муаммоларни "юқори"га кўтариб чиқишимиз эмас, балки уларга жойида ечим топишимиз ва мавжуд муаммолар ҳақида тегишли ташкилот ва давлат органларини хабардор қилишимиз талаб қилинади, – дейди клуб аъзоси.

Мазкур ташаббус мамлакатимизда ёшлар сиёсатини амалга оширишга қаратилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан илгари сурилган бўлиб, бунда давлат хизмати учун янги авлод кадрларини шакллантириб, ёшларни, айниқса, ёш хотин-қизларни давлат хизматига кенг жалб қилган ҳолда давлат хизматининг жозибадорлигини ошириш ҳамда ёш истиқболли кадрлардан раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб борилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, клуб фаолиятининг асосий мақсади — фаол, ташаббускор, креатив ва теран фикрлайдиган, мустақил фикр ва дунёқарашга эга иқтидорли ёшларни давлат фуқаролик хизматига кенг жалб этиш, давлат фуқаролик хизматининг жозибадорлигини ошириш, уларда лидерлик кўникмаларини шакллантириш, назария ва амалиётни уйғунлаштирган ҳолда ёшларни давлат фуқаролик хизматига тайёрлаш, ўқитиш, малакасини ошириш, шунингдек, ёш иқтидорли кадрларни селекция қилиш, клуб аъзоларини истиқболли кадрлар захирасига киритиш, раҳбарлик лавозимларига тавсия этишдан иборат.

**Ўз мухбиримиз.**

## ИС ГАЗИДАН ЗАҲАРЛАНИШДАН САҚЛАНИНГ

**Ҳурматли корхона ва ташкилот раҳбарлари, маҳалла қўмиталари раислари, оқсоқоллари, сизлардан ўзларингиз раҳбарлик қилиб келаётган корхоналарда, маҳаллаларда аҳоли билан қиш мавсумининг айнан совуқ кунларига тайёргарлик кўришга яна бир бор чорлаб, корхоналарни ушбу қиш мавсумининг совуқ кунларига тайёрлаш ҳақида озгина фурсат ажратиб маҳалла ва жамоа йиғилишларида тушунчалар бериб боришларингизни сўраб қоламиз.**

Аҳоли турар жойлари, корхона ва муассасаларда ёнғиннинг олдини олиш ва қиш мавсуми даврида тайёргарликларни текшириш фақатгина туман ФВБ ходимларининг иши бўлибгина қолмай, бутун жамоатчиликнинг иши деб ҳисоблаймиз, Ҳурматли фуқаролар, қишки мавсумга тайёргарлик кўриш жараёнида озгина бўлса-да, ўз уйингизда ёнғин хавфсизлиги талаб ва қоидаларига риоя қилсангизлар йиллар давомида пешона тери эвазига топилган молдавлатингизни ёнғиндан асраб қолган бўласиз.

Бунинг учун эса қуйидагиларга амал қилиш лозимдир:

*— табиий газ иситиш печкаларини тўлиқ таъмирдан чиқариш ва уларнинг созлиги, ёқиб ишлатиш мумкинлиги ҳақида туман газлаштириш корхонаси ва кўнгилли ёнғин ўчириш жамиятидан махсус рухсатнома олиш;*

*— резина шланглар билан улаб ишлатаётган газ плита, иситиш печкаларини дарҳол махсус газ ўтказиш қоидалари асосида ўтказиш;*

*— иситиш печкаларини дуд чиқариш дудбуронларини таъмирлаш ва тозалаш;*

*— хонадонларга, биноларга ўтказилган электр симлари кабелларини электр ўтказиш қоидалари асосида ўтказиб, эскирган, яроқсиз симларни янгилаш;*

*— яшаш уйларининг чордоқларида қуруқ ем-хашакларни сақламаслик чордоқларнинг эшиклари доимо ёпиқ ҳолатда туришини таъминлаш;*

*— табиий газ плиталаридан фойдаланиб бўлгандан сўнг уларнинг печкаларини ўчириб қўйиш;*

**Ҳурматли фуқаролар!!!** ушбу нохуш ва кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва ўз уйингизда кузги-қишки мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш ҳар биримиз йиллар мобайнида машаққат билан топган мол-мулкимизга озгина бўлса-да эътиборли бўлишимизга боғлиқ.

**Тоштемир ШАКАРОВ,**
**Қўшработ туман ФВБ бошлиғи ўринбосари, катта лейтенант.**

# ИЛМГА БАХШИДА УМР

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда)**

1995 йилида Аҳмаджон Солеев Россия Фанлар Академиясининг амалий математика институтининг ихтисослашган илмий кенгашида "Алгебраик ва дифференциал тенгламаларнинг махсусликларини ечиш ва Ньютон кўпёқликлари" мавзуси бўйича физика-математика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1996 йилда илмий-услубий ишларни фаол олиб борганлиги ва ташкилотчилик қобилияти туфайли "Алгебра ва геометрия" кафедрасининг мудири лавозимига тайинланди. Унинг саъй-ҳаракати билан илмий-тадқиқот ишлари дунё миқиёсига кўтарилди ва у устози Александр Брюно билан ҳамкорликда даражали геометриядан монография яратилди. "Шпрингер" нашриётида инглиз тилига таржима қилинган мазкур асар алгебраик ва дифференциал тенгламаларни даражали геометрия методлари орқали ечимларини топиш бўйича дунёда ҳозирча ягона монография ҳисобланади.



Таниқли олим Америка Қўшма Штатлари, Канада, Англия, Япония, Франция, Швейцария, Греция, Тайланд, Италия, Германия каби дунёнинг ривожланган давлатларида ўтказилган нуфузли халқаро илмий анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этиб, бир қанча илмий грантларни қўлга киритди. Унинг сермулоҳаза ва муаммоли масалалар талқинига бағишланган мақолалари 3 марта хорижий фондларнинг совринига сазовор бўлди. Илмий тадқиқотлари инглиз, француз тилларига таржима қилиниб, унга шуҳрат келтирди.

— "Математика фанларнинг отаси, унинг дўсти эса соддалик ва беғуборлик ҳирқаларига ўранган ҳақиқатдир" деб қаердадир ўқиган эдим, – дейди Аҳмаджон Солеев. — Унинг яширин ҳикматлари, гўзаллиги ақли донишлар кўзигагина намоён бўлади. Рақамлар ўзўзича олганда, шунчаки жонсиз нарсалардир, бироқ у илм билан йўғрилганда ўзининг ботиний ҳарорати ва зеболигини кўз-кўз қилади. Бошқача айтганда, жонсиз жисмга руҳ бағишлагандек бўлади.

Самарқанд давлат университети механика-математика факультети алгебра ва геометрия кафедраси қошидаги "Алгебра ва анализнинг ночизиқли муаммоларини тадқиқ этишда даражали геометрия ва компьютер алгебраси методлари" илмий семинарининг раҳбари сифатида эса илмий маърузалар, диссертацияларнинг муҳокамасини ташкил этиб келмоқда. У илмга машғул бўлганда ҳордиқ олгандек бўлади, чарчоқларини унутади. Руҳи тетик тортади. Илм ўзининг сир-синоатлари билан унинг қалбига завқ-шавқ бағишлайди. Заҳматкаш олимнинг 300 дан ортиқ илмий мақолалари, шунингдек, олий таълим талабалари учун 4 та дарслик ва 40 дан ортиқ ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалари чоп этилган. Шунингдек, у 4 та электрон дарслик муаллифи ҳамдир.

Физика-мамтематика фанлари доктори, профессор Аҳмаджон Солеевнинг кўп йиллик самарали илмий изланишлари ҳисобга олиниб, 1984 йилда унга республика "Ёш олимлар" мукофоти, 2007 йилда эса "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" унвони, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 10, 15 ва 20 йил" кўкрак нишони берилган. Албатта, умрини илм-фанга ривожи ва илмий изланишларини Ватан равнақи, элу-юрт манфаатига бахшида этган ҳамда этаётган олимлар энг бахтли инсонлардир. Аҳмаджон Солеев ҳам ана шундай замондошларимиздан бири эканлиги эътирофлидир.

**Зебинисо ҲАМРОЕВА,**
**Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси.**

*Сўранг, жавоб берамиз!*

**САВОЛ:** *Нотариал идораларга мурожаат қилиш тартиби қандай? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.*

**Шерали ҲАМИДОВ, Митан шаҳарчаси.**

# НОТАРИУСГА ЭЛЕКТРОН ТАРЗДА МУРОЖААТ ҚИЛИШ МУМКИНМИ?

**ЖАВОБ:** Мурожаат қилувчи нотариал идорага ўзи келиб ёзма ариза билан ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд "E-notarius.uz" ахборот портали орқали (кейинги ўринларда - электрон тармоқ) рўйхатдан ўтган ҳолда электрон тарзда мурожаат қилади.

Мурожаат қилувчи электрон тармоқ орқали нотариус қабулига навбатга ёзилишни, шунингдек, ишончномани тасдиқлаш учун зарур бўлган маълумотларни жўнатган ҳолда тегишли ҳужжат лойиҳасининг олдиндан тайёрлаб қўйилишини сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Мурожаат қилувчининг электрон тармоқ орқали нотариус қабулига ёзилиш бўйича йўлланган мурожаатлари Тизимдаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қайд қилиш электрон рўйхатига автоматик тарзда қайд қилинади.

Нотариус тизим орқали келиб тушган электрон мурожаатларни кўриб чиқиши ва белгиланган муддатда мурожаат қилган шахсларни қабул қилиши шарт.

Мурожаат қилувчи томонидан электрон тармоқ орқали ишончномани тасдиқлаш учун зарур бўлган маълумотларни олдиндан жўнатган ҳолда тегишли ҳужжатларнинг тайёрлаб қўйилиши бўйича йўлланган мурожаатлар уларнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Мурожаат бўйича тегишли ҳужжат лойиҳаси нотариус томонидан белгиланган вақтда олдиндан тайёрлаб қўйилади.

Қуйидаги ҳолларда нотариал ҳаракат расмийлаштирилиши учун тегишли ҳужжатларнинг олдиндан тайёрлаб қўйилиши бўйича электрон тармоқ орқали йўлланган мурожаатларни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

— нотариал ҳаракат расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотлар тўғри ва тўлиқ тақдим этилмаган бўлса;

— тегишли нотариал ҳаракат бўйича мол-мулкка нисбатан тақиқ (хатлов) мавжуд бўлса;

— Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда - МИБ) маълумотлар базаси орқали қарздорлик ҳолати текширилиши лозим бўлган ҳолларда қарздорлик аниқланган бўлса;

— манфаатдор шахсларнинг аризаларига асосан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш кечиктириб ёки тўхтатиб турилган бўлса.

**Шерзод БАҲРОМОВ,**
**Иштихон туманидаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус.**

# ГАЗ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

**Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, барча соҳалар сингари коммунал ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳам моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, иш унумдорлиги яхшиланиб бормоқда. Натижада, аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси ҳам кун сайин яхшиланиб бораётир.**

"Ҳудудгаз Самарқанд" газ таъминоти филиали ҳам аҳоли хонадонларига табиий ва суюлтирилган газни етказиб бериш борасида белгиланган чора-тадбирлар доирасида бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Биргина суюлтирилган газ етказиб беришдаги янгича ёндашув истеъмолчиларга белгиланган 45-50 кун оралиғида газ баллонларини етказиб беришда иш беряпти.

Айни пайтда вилоятда суюлтирилган газ йўналишида 487 минг 105 та истеъмолчи мавжуд бўлиб, шундан 486 минг 772 таси аҳоли истеъмолчилари, қолган 333 таси ижтимоий соҳа объектлари саналади. Ҳар бир истеъмолчининг манзилигача газ баллонларини етказиб бериш "Ҳудудгаз Самарқанд" газ таъминоти филиалига қарашли газ таъминоти бўлимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бир ойда ўртача 6 минг 800 тонна суюлтирилган газ 1 та газ тўлдириш станцияси ҳамда 7 та газ тўлдириш шахобчалари орқали газ баллонларга тўлдирилиб, 91 та махсус транспортлар орқали туман ва шаҳарлардаги суюлтирилган газ истеъмолчиларга етказилади.

Биргина Ургут тумани вилоятда аҳоли сони кўп бўлган туман ҳисобланиб, туманда суюлтирилган газдан фойдаланувчи истеъмолчилар 70 минг 342 тани ташкил этади. Бу эса вилоятнинг учта яъни Тайлоқ, Қўшработ ҳамда Нуробод туманларининг суюлтирилган газ истеъмолчиларидан ҳам кўп демакдир. Бир ойда туманга ўртача 850 тонна суюқ газ кириб келади.

Ургут тумани географик жойлашуви жиҳатдан тоғли ҳудудда бўлганлиги боис, таъминот бўлимининг истеъмолчиларга хизмат кўрсатиши қийинчиликсиз бўлмайди, албатта. кўпгина қишлоқларга техниканинг етиб бориши амри маҳол. Шу боис баъзи вақтлар газ баллонларининг етиб бориш оралиғи 60 кунгача чўзилиб кетмоқда. Ушбу ҳолатни бартараф этиш, хеч бўлмаса, 50 кунда етказишни таъминлаш мақсадида бир тизим ташкил қилдик. Бир маҳаллани газ билан тўлиқ таъминлаб, сўнг иккинчи маҳаллага ўтиш тизимини йўлга қўйдик. Бу эса ўз самарасини бермоқда.

Истеъмолчиларга суюлтирилган газни белгиланган меъёр ва талаблар асосида бир маромда ва узлуксиз равишда етказиб бериш мақсадида жорий йилдан бошлаб "Ҳудудгазтаъминот" Акциядорлик жамияти томонидан соҳага автоматлаштирилган назорат ва ҳисобкитоб тизими жорий этилмоқда. Мазкур тизимнинг биринчи босқичи Самарқанд вилоятининг барча туманларидаги маиший газ баллонларига стикерлар ўрнатилди.Айни пайтда истеъмолчиларга ID карталар тарқатилмоқда. ID картанинг таъминотчи ва истеъмолчига қулайлик томонлари, истеъмолчи томонидан картага UPAY,PAYNET, PAYME орқали пул тўлдирилади ва газ баллонга ёпиштирилган стикерга ID карта теккизилади ва шу заҳоти картадан белгиланган маблағ ечилиб таъминотчи ҳисобига тушади ҳамда истеъмолчига ҳар 45 кунда газ тўлдирилган баллон олиш имконини бериб, 45 кун оралиғида икки марта газ олишига йўл қўймайди. Бу эса газ етиб бориши қийин бўлиб турган ҳудудларга ўз муддатида газ етиб боришини таъминлайди.

Ҳар бир туман ва шаҳар газ таъминоти бўлимлари газ баллонларини истеъмолчилар хонадонига етказиб бериш жараёнида фуқароларга газдан оқилона ва хавфсиз фойдаланиш, ис газидан эҳтиёт бўлиш каби қоидаларини тушунтириб ўтишади. Бундан ташқари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда аҳоли орасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришади.

Бундан кўзланган мақсад аҳоли хонадонларида газ билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишдир.

**Хуршид МЕЛИЕВ,**
**"Ҳудудгаз Самарқанд"газ таъминоти филиали Суюлтирилган газни сотиш ва ҳисобини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи.**

# КАДРЛАР ХИЗМАТИ СОҲАСИДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда)**

Шу ўринда савол туғилади, ушбу ҳар иккала тизимдан бирига ўқитувчи ва ходимларнинг маълумотлари киритилганида иккинчисига ўз-ўзидан сақланиб борилиши, яъни иккинчи тизимга ҳам маълумотлар биргаликда сақланиши тизими йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлармиди?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги "Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги 20-сонли ҳамда 2015 йил 25 августдаги 246-сонли қарорларига асосан олий таълим муасссасаларига профессор-ўқитувчилар танловгача ёки танлов асосида ишга қабул қилинар эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрда "Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини-ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида"ги 967-сонли қарори тасдиқланди ва мазкур қарорга биноан 2020 йилнинг 1 январидан ўзини-ўзи молиялаштириш тизимига тажриба-синов тариқасида республикада 10 та олий таълим муассасаси ўтказилди. Шулардан бири бизнинг Самарқанд давлат чет тиллар институти.

Бугунги кунда қарор ижросини таъминлашга тўлақонли ҳаракат қилинмоқда, ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларига қўшимча вазифалар белгиланган бўлиб, булар замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдалана оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган профессор-ўқитувчиларни танлаш мақсадида институт ҳамда профессор-ўқитувчилар ўртасида бир йиллик муддатли шартномалар тузиш амалиётини жорий этиш ҳам шулар жумласидандир.

Шунга асосан мазкур ўқув йилининг бошланишидан ишга қабул қилинган барча ўқитувчиларни муддатли шартнома, яъни бир ўқув йилига меҳнат шартномаси тузиш асосида ишга қабул қилдик. Лекин институтда бугунги кунда танловдан ўз вақтида ўтган, муддати тугамаган ўқитувчиларимиз ҳуқуқлари поймол қилинмаган ҳолда беш йиллик танлов муддати тугагунга қадар фаолиятларини давом эттиришмоқда. Бундан ташқари, институтда муддатли шартнома асосида ишга қабул қилинган профессор-ўқитувчиларни ўқув йили тугагандан сўнг улар билан меҳнат шартномаси бекор қилинмоқда. Агар меҳнат шартномаси бекор қилинса, унда улар тўлиқ 1 йил эмас 10 ой ишлаган бўлиб чиқмайдими, яъни бу умумий иш стажига таъсир қилмайдими? 500 дан зиёд профессор-ўқитувчини ҳар йили ишга қабул қилиш (ҳар бирининг меҳнат шартномаси ва аризаси асосида, албатта. Бу 1000 дона қоғоз дегани), буйруқларини гапирмаса ҳам бўлади. Ўқув йили тугагандан сўнг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳамда ягона миллий меҳнат тизими базасига ишдан бўшагани тўғрисидаги маълумотларни битталаб киритиб, рўйхатдан чиқариш, шунингдек, ишга янги қабул қилинганларни яна маълумотларни, буйруқларини киритиб чиқиш ҳолатлари ўзини оқламаяпти, назаримизда.



Ягона миллий меҳнат тизимига маълумотлар киритилиб, фаолиятга доир янгиликлар мунтазам киритиб борилмоқда, лекин тизим янгилиги учунми, баъзи бир муаммолардан холи эмас, масалан, чет элда магистратурада таҳсил олиб қайтган ўқитувчиларнинг дипломлари ҳақидаги маълумотни киритиб бўлмайди.

Бундан ташқари, профессор-ўқитувчиларимиздан фан доктори, фан номзоди, доцент ва профессор дипломлари борлари ҳамда энди диплом олаётганларнинг дипломи ҳақидаги маълумотларини тўғридан тўғри кирита олишнинг имкони йўқ. Жумладан, ярим штат бирлигида ишга қабул қилинган ўқитувчини иш ўрни яратиб, тизимда рўйхатдан ўтказдик. У икки ой ишлади-да, тўлиқ бир штат бирлигига ўтди, лекин уни тўлиқ бир штат бирлигига киритишда янги тўлиқ штат бирлиги яратиб ўтказамиз. Шундагина у меҳнат фаолиятида лавозимдан лавозимга ўтган ҳисобланади. Таклифимиз шундан иборатки, аслида, у ўзи ўша биринчи қабул килинган лавозимига тўлиқ штат бирлигида ўтган, бундай ҳолатда штатини ўзгартириб қўйиш имкони яратилса, нафақат бизда, балки қамрови юқори бўлган давлат ташкилотлари учун ҳам ишлаш қулай бўлар эди.

Шу соҳанинг озми, кўпми заҳматкаши сифатида, шуни айта оламанки, ҳозирги замон талаби ахборотлаштириш, барча маълумотларни ягона тизимда шакллантиришдир. Бу яхши, албатта, чунки биз ҳам бугун кадрлар хизмати соҳасида дунё тан олган нуфузли поғоналарга ҳаракат қилмоғимиз даркор.

**Фотима ЗИЯДУЛЛАЕВА,**
**Самарқанд давлат чет тиллар институти кадрлар бўлими бошлиғи.**

# ОНАМ ТАЪЛИМ ОЛГАН ДАРГОҲДА ЎҚИШНИ ХОҲЛАЙМАН

**Бугунги кунда юртимизда хорижий тилларни, айниқса, инглиз тилини ўрганиш ва ўқитишга эътибор қаратиш, малакали педагог кадрларни тайёрлаш мақсадида янгидан янги, таълим стандартларига муносиб муассасалар қурилиб фойдаланишга топширилмоқда. Мавжуд таълим даргоҳлари қайта таъмирланиб замонавий ҳамда зарурий технологиялар билан таъминланаётир. Бундан ташқари, ўқувчиларга мактабгача таълим муассасалари, мактаблар ҳамда олий ўқув юртларида чет тилларини ўрганишлари учун зарур бўлган шароитлар яратиб берилган.**

Мана шундай қулай имкониятлардан фойдаланиб, чет тилларига меҳр қўйиб, уларни пухта ўрганиб, ҳозирги кунда ушбу соҳада жонбозлик кўрсатиб келаётган, ёш, истеъдодли мутахассислардан бири Наргиза Юсуповадир. У Самарқанд давлат чет тиллар институтида бакалавр ҳамда магистратура босқичларида таҳсил олган ҳамда уларни имтиёзли диплом билан тамомлаган. Ўзининг ўткир зеҳни, билими ҳамда инглиз тилидаги равон нутқи сабаб эътибор қозонган ва пойтахтимизда ишлашга таклиф этилган. У ҳозирда Тошкент шаҳрида фаолиятини давом эттирмоқда. Наргиза Юсупованинг хорижий тилларга бўлган меҳр-муҳаббати унинг фарзанди Мирзотоҳирга ҳам "мерос бўлиб ўтган", десак муболаға бўлмайди. Негаки, Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 322-умумий ўрта таълим мактабининг 2-синф ўқувчиси Мирзотоҳирда ҳам хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқиш юқори, унда ушбу йўналишга нисбатан меҳр уйғонишига эса, айнан, онаси сабабчи бўлган. Эндигина 9 ёшга тўлган бўлишига қарамай, Мирзотоҳир онаси ва ўқитувчиларидан кун-у тун билим олишдан, ўқиб-ўрганишдан, ўз ўрганганларини тенгдошлари билан бўлишишдан асло чарчамайди.

— Онажоним менинг биринчи устозим, айнан онамнинг саъй-ҳаракатлари сабаб менда чет тилларини ўрганишга қизиқиш уйғонган, – дейди Мирзотоҳир ўзининг таассуротлари ва келажакдаги режалари ҳақида сўзлар экан. — Айниқса, онам таълим олган даргоҳда ўқишни жуда ҳам хоҳлардим, чунки онамнинг айтишларига қараганда, ушбу таълим маскани талабалар учун яратилган шарт-шароитлари, нуфузи ҳамда унда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг салоҳияти, билим даражаси билан бошқа муассасалардан ажралиб турар экан. Шу сабабдан ҳам мен Самарқанд давлат чет тиллар институтида таҳсил олишни ва онам каби етук мутахассис бўлиб етишишни ўзимга мақсад қилганман. Бунинг учун эса, ҳозирданоқ аъло баҳоларга ўқиб, инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни ўрганиб боряпман.



Юртимизда хорижий тилларни ўқитишда таълим сифатини ошириш ва мутахассисларнинг салоҳиятига катта эътибор қаратилиб, янгидан янги ислоҳотлар олиб борилаётган бир пайтда, соҳа тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш, нафақат ўз фарзанди, балки бутун Ўзбекистон ёшларининг чет тилларини ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш йўлида меҳнат қилаётган Наргиза Юсупова сингари мутахассисларнинг, ёшликдан илм ўрганиш, янги билимлар олиш, юқори марраларни эгаллашга ҳаракат қилаётган Мирзотоҳир сингари фарзандларнинг борлиги, шубҳасиз, ҳар биримизни қувонтиради. Мана шундай юқори марраларни кўзлаган, билимга чанқоқ ёшлар ҳамда ўз билим ва салоҳиятини келажак авлодни янада истеъдодли қилиб тарбиялаш йўлида сарф этаётган муҳтарам устозларга омад ва зафарлар ёр бўлсин.

**Муниса НИЗОМОВА.**

# ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — УСТУВОР МАҚСАДИМИЗ

**Ҳар қандай жамиятнинг ҳамда ундаги ҳар бир соҳанинг тараққиёти, шубҳасиз, таълим тизимидаги ривожланишлар билан чамбарчас боғлиқдир, негаки айнан таълим ёшларнинг келажакдаги ўрни ва ролини белгиловчи омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, юртимизда ушбу соҳани ислоҳ қилиш ҳамда халқаро дастурлардан андоза олган ҳолда такомиллаштириш масалаларига устувор вазифалар сифатида қаралмоқда.**

Хусусан, мактабгача, умумий ўрта ҳамда олий таълим тизими сифатини босқичма-босқич юксалтириш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ўқув муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчилар мавқейини янада ошириш ҳамда ҳар томонлама самарали бўлган дастурларни ишлаб чиқиш каби вазифалар тизимли тарзда бажарилмоқда.

Мазкур ишларни давом эттириш йўлида таълим сифатини янада ошириш, соҳа мутахассисларининг билим ва савиясини юксалтириш, касбий стандардларга мос келадиган, рақобатбардош педагогларни етиштириш каби масалалар жуда катта аҳамият касб этади. Чунки ҳар қандай илм даргоҳининг нуфузи, ундан етишиб чиқаётган мутахассисларнинг зеҳни, малакаси ҳамда салоҳияти билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам республикамиз бўйлаб ҳар бир таълим масканини замон талабларига мослаштириш, керакли шароитлар яратиш, халқаро таълим дастурларини йўлга қўйиш, дунёнинг ривожланган мамлакатларида йўлга қўйилган тизимларни амалиётда қўллаб кўриш сингари ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим ва тарбияга ҳар доим эгизак тушунчалар сифатида қаралган, яъни таълимни тарбиясиз, тарбияни эса таълимсиз тасаввур қилиш мушкул. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг илк йилларидан то ҳозирги кунга қадар таълим ва тарбия жараёнига бирдек эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, халқ таълими тизимида ёшларнинг билим ва кўникмаларидан ташқари, маънавий-маърифий салоҳиятини ҳам шакллантириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоялана олиш қобилиятини мустаҳкамлаш ҳамда тафаккурини янада кенгайтиришга аҳамият берилмоқда. Чунки теран дунёқарашга, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзининг мустақил фикрига эга, мафкуравий иммунитети мустаҳкам кадрларни камол топтириш ўта муҳим вазифалар сирасига киради. Давлатнинг эртанги куни, тақдири, ривожланган давлатлар қаторидан ўз ўрнини эгаллаши йўлида пойдевор вазифасини ўтайди, десак муболаға бўлмайди.

Шунинг учун ҳам, умумий ўрта таълим мактабларида маънавий-марифий ишларни тизимли йўлга қўйиш ва такомиллаштириш мақсадида барча синфлар дарсликлари қаторига "Тарбия" фани ҳам киритилди. Ушбу фан ёш авлод қалбида ватанпарварлик, эл-у юртга муҳаббат, садоқат каби туйғуларни шакллантириш, уларнинг онгини, интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ўрта таълимни тамомлаётган битирувчиларни олий таълимга жалб қилиш, уларнинг билим даражасининг ортишига ҳисса қўшиш мақсадида бутун республикамиз бўйлаб, ҳар бир туман, шаҳар, вилоят кесимида узлуксиз ишлар бажарилмоқда. Шу жумладан, бизнинг мактабимизда ҳам таҳсил олувчилар учун барча имкониятлар яратилиб, педагогларнинг савияси ва малакасини ошириш, ўқувчиларнинг билим даражасини юксалтириш, уларни халқаро майдонларда ҳам ўз иқтидорларини намоён этишлари учун замин яратилмоқда. Ўқувчиларнинг илмий салоҳиятини, мафкуравий дунёқарашини ҳамда маънавий билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Шубҳасиз, бу ишларнинг ҳеч бири ўзининг ижобий самарасини бермай қолмайди. Юртимизнинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашида ҳамда янада тараққий этишида таълим соҳасининг ривожи энг муҳим вазифалардан бири, десак асло адашмаган бўламиз.

**Ғиёсиддин ТЎРАҚУЛОВ,**
**Каттақўрғон туманидаги 91-умумий ўрта таълим мактаби директори ўринбосари.**

Илҳомжон Тўхтасинов, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор

# NAVOIY
## (Novel)

Илк бор ўзбек тилидан инглиз тилига таржима

(Давоми. Бошланиши олдинги сонларда)

Navoiy sneered and said loudly: "In my opinion, there is no high or low position. For the sake of the people I would be proud to be even a simple warrior!" Nizomulmulk looked round with his sly eyes. He studded his glittering rings on his hand and pet his beautiful beard and shook his head slowly:

— Of course, it must be like this! – he said. Soon the palace servants came and invited everyone to the feast. All stood up noisily and left.

II

On the third day of his appointment Navoiy held a big celebration in his house. The spacious, white house was full with a lot of guests. Then he cordially greeted guests. The host could not sit down even for a second. He went silently into the kitchen to see how the chef was doing and gave some instructions and reminded him about something and left the kitchen again. Then he went to the storageroom to see what is going on with the preparation of halva and other sweets. He told them to cook better and more. Whenever his house was filled with people, Navoiy always did his best to receive guests.

In a large, luxuriously furnished room the beks, policymakers, famous poets and scholars of Herat, Iraq and Azerbaijan were gathered. General conversation had not started yet and everyone talked to his neighbor. In the corner a few beks were talking about war and hunting. Sultonmurod was quietly talking in Arabic with an Iraqi scientist. Strapping Muhammad Sayyid Pakhlavan was making a friendly conversation with a fussy little old man - astrologer. He would quickly and easily guess the stars using their secret councils, everything that Supreme Sovereign wanted: happiness or unhappiness, evil or good deeds, success or failure. If Ulughbek, according to Navoiy, relegated the sky to the earth with his work, that is, made clear to people the laws of motion of stars, this old man pushed its heavenly distance further and enveloped its density with a veil of secrets. When the poor man must withdraw to wear his pants; what day and hour should the Sultan sit on the golden throne; when writing a love letter is all right? When should the poison be prepared for the enemy? - all those were submitted to the astrologer by the stars. In the palace from ancient times important business and events were supposed to be carried out according to the time selected by the astrologer. Today, he also chose the right hour for Navoiy to become Emir.

— According to our science, Allah has appointed something for every day. One star becomes a king, another will be a vizier, – said the astrologer and took back his words with hand motions. — Today, the lord of all things is the sun, the vizier is the moon. Contemplate carefully the essence of things - all the famous events happen on this day. I have chosen the star named Zukhra(venus) for Alisher Navoiy. This is an hour of every good cause. Venus, today, is in apogee and it is on the seventh sky. Its image is also consistent with the basic nature of Alisher. For Venus, it is portrayed as the dancing beauties with chang and kamancha in its hands; it signifies beauty, art, joy and success.

Pahlavon Muhammad Sayeed asked the old man in order to continue the conversation, but at this time the Sultan's personal servants came from the palace. They brought the Emir's dress, embroidered with gold for Navoiy. Navoiy, untied the knot and dressed in the fine clothes with a smile. His friends joyfully began to congratulate him. Only Barlos beks, Majididdin and some other officials who followed them like a shadow, limited with formal greeting trying to hide the light of envy in their eyes. One of the visitors from the palace picked up a scroll, raised it above his head and gave it to Navoiy with a respectful bow. It was a decree which began with the words: "It is Abulgazi Sultan Husayn Boyqaro addressing to you." The decree was supposed to be sent to all the regions. The new emir was supposed to make his own stamp to the official paper for the very first time on this solemn meeting.

Everyone kept silent. Everybody was excited. All eyes with so many different thoughts and feelings were fixed on Navoiy! The poet slightly bowed his head and he seemed to be nervous and embarrassed. Meaningful glances of the beks and officials met for a moment and immediately parted as if they all were afraid of each other. Even Muzaffar Barlos, who was the darling of the sultan for his past merits, strong and often refused to obek the sultan, got pale. "Does this poet put his stamp above all emirs?" When Navoiy's stamp was attached to the decree, a sigh of relief swept through the hall. The new emir has made his stamp in a place that no one could put his own stamp below it. Everybody was shocked with Navoiy's modesty. They did not know where to hide their panicking eyes.

The poet Atoulloh and a famous scholar Burhaniddin read their odes written on the occasion of this important event. Then a few poets recited excitedly their odes dedicated to Navoiy. On this glorious day, all his friends, family, representatives of the common people, one after another came to congratulate the poet. Taking part in a big joyful feast, the gathered people dispersed.

### CHAPTER X

I

After the Friday prayers Gavharshodbegim Madrassah was in complete silence. Most of the residents of the madrassahs had gone to the town for a walk or to visit their friends. Sultonmurod sat alone in his hujra. Now he met the famous Khorasan scientists and took part in scientific debates. His ability and wide knowledge in different fields of science increased his fame every day. He often met with Navoiy. Although many young "seekers of science" turned to the young scientist with a request to give them lessons Sultonmurod did not start lecturing in any madrassah. The boy really wanted to get a post of mudarris, but in Herat there were so many scientists who openly feuded among themselves for the right to take this position that it was not easy for Sultonmurod to realize his hopes. He lacked the courage to compete with the glorious elders. Navoiy, who patronized all poor students of Herat, provided special attention and assistance to Sultonmurod, so that the young scientist was completely spared from lack of money.

In the silent madrassahs, in his small room, a young man was suffering severely. He saw Dildor only once in the evening for a few moments, but the love of a young prisoner, like a cruel disease, glowed in his heart intensifying with each passing day. Sultonmurod knew this girl was unattainable for him, but his heart was not listening to the arguments of reason. To forget her he kept reading books in his Hujra for several days. But after swallowing dozens of volumes, he again was given endless agonizing thoughts about his love...

Now he again turned to books trying to get away from the sad thoughts. Starting with easy, fun ghazals Sultonmurod moved to the most complex, puzzling writings, but a minute later he threw them away and grabbed a pen and paper and began to write a letter to Dildor. Sad words covered one sheet after another. A love letter to a simple village girl was graced with dozens of beautiful poems by all kinds of poets, profound Rubaiys devoted to love and passion. These effusions were relieving. The young man read the letter. Hot tears dripped from his eyes: "What is the use to write? These words will never reach her. The tyrant ripped this rose, so he cast her in his arms and then he would pass her to some rough warrior!"

The young man put the pieces of paper on the shelf and threw himself on the bed. He was exhausted.

Zayniddin entered the room humming cheerfully. He was drunk.

— Hello, esteemed scientist!

— Come, oh, flower of my heart! – Sultonmurod exclaimed with relief.

Zayniddin looked at his friend and sat down beside him on the bed. He has already spent time for a week in a society of poets, calligraphers and other prominent people of Khorasan and now he casually looked into madrassahs to visit his friends. Now Zayniddin rarely attended lectures, he wanted to improve his skills in calligraphy and was heavily involved in music, but there were many good handwriters and appreciators of beautiful books in Herat. This guy, who was like a dancer and light like a bird, got into extremely difficult situation to make any correspondence and built a reputation among professional scribes who knew how to rewrite beautifully and without a single error in several days. Zayniddin sometimes copied poems by famous poets and sometimes made copies from various collections commissioned by booksellers.

— Are you sick? – asked anxiously Zayniddin.

— No, I am only lonely... — With a forced smile replied Sultonmurod.

— My friend, – said sympathetically Zayniddin, - in your heart there is tableware of sadness. I have been noticing it recently but I did not dare to ask you about it. Today, the inner fire is burning your face. Sulking is useless!

Sultonmurod closed his eyes and sighed softly. Zayniddin, appealing to his feelings of friendship, demanded openness. Finally Sultonmurod, rising, took the recently written letter from the shelf and handed it to his friend.

— Here is a pale reflection of my endless sufferings – he said looking down.

Zayniddin carefully read all eight pages. His hands trembled slightly, sadness spread on his face. When he finished reading he looked at his friend sympathetically. He was unconscious.

— Why didn't you tell me about it immediately? – reproachfully said Zayniddin.

— Could you take the iron hand of fate from me? – Sultonmurod replied after a short pause.

— Yes, I could have! – said flatly Zayniddin. — I was able to pull out the steppe nets of violence from the neck of that beauty. Togonbek would perform any of my requests those days. I could have twisted that fool as I wanted.

— Alas! – sadly exclaimed Sultonmurod. — Rose of my love was cherished by sadness. This cup of suffering is enough for a lifetime to me!

— This letter is a sacred book of lovers – said Zayniddin looking at the sheets of paper. — Are you going to send it to her?

— It is impossible and even useless, – Sultonmurod said.

Zayniddin nodded. There was a heavy silence. Sultonmurod then asked what was being done in Herat. Every new event which occurred among the common people or the aristocracy, now was known to Zayniddin. Zayniddin knew that Sultonmurod was mostly interested in the events of scientists and poets, but this time he decided to tell the various small funny stories to cheer his friend up.

— No wonder they say that in all the inhabited parts of the world there is no another city like Herat, – said Zayniddin trying to be jocular. My lifetime is not enough to tell about the most outstanding events of this week... Recently Badiuzzamon has been given a magnificent collection. Outstanding people say that there is no other prince like him in the East or the West; ever since the world was created he was not satisfied with such a reception. Musician Ustad Kulmuhammad Udiy and Sheikh Noiy were there. Sheikh played a beautiful melody with a nay. Ustad Kulmuhammad tried to play the same tune on the gijjak, but it did not work smoothly. Kulmuhammad said that the gijjak was wrong. Sheikh Noiy immediately took the gijjak from the hands of Ustad and sang this tune with such an art that those present expressed their pleasure with loud exclamations.

— From the Sheikh's musical instruments not only people but the stars fall from the sky – said perking up slightly Sultonmurod. — However, Ustad Kulmuhammad is also a very skillful master. He is a creator of music. Who but he has attached the third string to gijjak? Under the patronage of Navoiy, and his taste in music and knowledge, Kulmuhammad will create many great wonderful things...

— It is uselees to argue, – Zayniddin agreed.

— Tell me more. Your stories, like a warm wind, make my heart blossom!

— Do you know Mirza Pirim? – asked Zayniddin.

— They say he is incomparable, but I have not seen him, – said Sultonmurod.

— Besides the beauty, he still has many other advantages. No musician can compete with him on playing the Qonun(Musical instrument) . Mirza Pirim is such a pleasant companion that anyone who talks to him will not want to talk to anyone else. You see, one of the wives of the deceased king Abu Sayyid Mirza by the name Rukiyabegim, took her into his service. Rukiyabegim has not got a single tooth in the mouth, and on her head there is no a single black hair... an amazing old woman. She makes funny feasts and lives in the world of wine and music. She recites verses without a veil. They say that even men hesitate to go to her feasts. Rukiyabegim fell in love with Mirza Pirim and lost her peace. She put on all sorts of decorations and tried to strike fire from the ice. Mirza Pirim who appreciates the beauty of youth and spiritual pride, rejected all overtures of this ugly woman. To avoid falling into the clutches of wily, old woman he fled from Herat. Niding he lived in Balkh, in Astrabad and in Nishapur... Infuriated Rukiyabegim sent people for him and the other day the unfortunate young man was brought to Herat. She says that Mirza Pirim squandered three thousand dinars of her money. Now he's in a very difficult position. What will end it - is unknown.

— God help us! – exclaimed in surprise Sultonmurod.

Zayniddin read a rubaiy by one poet about Rukiyabegim. The rubaiy was so shamelessly and so consistent in quality of the aged beauty that Sultonmurod laughed involuntarily. Zayniddin also laughed to tears. Wiping his wet eyes with a handkerchief he looked out the window. The sky was covered with clouds and it was difficult to determine the time. Zayniddin asked Sultonmurod the time.

— I was hoping maybe you would stay with me today, – distractedly said Sultonmurod holding his friend's hand. - Tell me what else is new?

— Okay, I will sit for another minute. But then you will come with me.

Sultonmurod gestured as if he wanted to say: "We'll see."

After telling some news and anecdotes Zayniddin finally stood up.

— Rather put on your festive robe, wrap a turban.

— Where are we going to? – asked Sultonmurod who did not want to go.

— If you want to dispel the bitterness that has accumulated in your heart of a lifetime then come with me.

— Funny gatherings do not attract me. You have comforted me a little, that's enough.

— Your captivating beauty is now winning the hearts of others. Resign yourself to the fate, – said Zayniddin. - Forget her! If you want I'll introduce you to our Herati fairies. You will smell ten roses and choose one!

— Oh, if I could forget her, – said bitterly Sultonmurod. — Dildor is the sun in the sky of beauty!

— That sun went behind clouds!

Again Sultonmurod's eyes filled with tears. Zayniddin pulled the boy's hand.

— You still have no idea about the Herati amusements, – he said hotly. — Old people say that our modern Herat reminds them of Samarkand during the reign of Amir Timur and Ulughbek... Come on, I'm not taking you to some feast with raging passions. You will see wonderful society; you will meet with the masters of chess.

Sultonmurod rose. He put on an expensive silk robe which had recently been presented to him by Navoiy. Putting on his turban he said:

— In those days, even in Samarkand, Sheikh-ul-Islam would invite beautiful musicians and singers to his feasts and would drink wine and play chess.

When I was in Samarkand I heard amazing stories about it.

In the area near the madrassah a large crowd surrounded the famous fool of Herat by the name Dervish Shamrez. This ragged dervish with his hair falling down on his shoulders and glowing eyes enjoyed great fame among people. Manyworshipped him believing that he was a miracle and a saint; others loved him for his jokes, aphorisms and sharp ridicule. The fool with a loud voice would read ghazals and then he would move onto funny jokes and publicly use obscenity causing laughter. Sultonmurod and Zayniddin stood a bit and moved on. They took the road leading to the pond Mahian. There were closely adjacent to each other gardens, small fields, orchards and flower beds on both sides of the road. Among them in the drowning green of the trees there were visible light decker palaces covered with brightly painted walls, huge gorgeous homes of the rich and the beks; beside them as if ashamed of his wretched form, pressed to the ground were dilapidated ramshackle huts of Herati craftsmen. Zayniddin turned left.

(Давоми кейинги сонда)

# ЎЗГА ЮРТДАГИ ПАҲЛАВОН

**Яна тонг отди. Дарахтлар орасидан кўринган қуёш нурлари бўлиниб-бўлиниб Нодиржоннинг кўзларига тушди. Кечаси кеч ухлаганиданми, эринибгина кўзларини очди-ю, ғашига теккан қуёш нурларидан кўзини беркитди. Хона эшиги оҳисталик билан ғийқиллаб очилди-да, "Нодиржон, Нодиржон" - дея, пиёладек юм-юмалоқ юзларига аллақачон ажин оралаган аёл хонага кирди.**

— Вой болажоним-эй, яна шу ўлгурни қўлинга олиб ухлаб қолдингми? – деди, Нодиржонни қўлидаги шапалоқдек телефонни четга суриб.

— Эҳ, ая тегманг, янги программани ўрнатаяпман, ўчириб юборасиз, – деди, зарда билан онасининг қўлини силтаб.

— Хўп болам. Хўп... ўзи нимага киргандим? Э-ҳа нонуштага чиқ, чойинг совиб қолади. Сингилларинг аллақачон мактабга кетишди. Сен эса ҳали турганинг ҳам йўқ. Кеча радиодан эшитдим, эрталабги нонушта вақтида ейилмаса, кун бўйи танадан мадор қочар экан.

— Эээ, ая эрталабги чой деманг. Худди дастурхонимизда нурнаво бордек гапирасиз.

— Нега унақа дейсан, болам? Кеча дадang қовун олиб келибдилар. Унинг ҳидини айтмайсанми? Бирам ширинэй, ўзи кичкинагина экан. Эрталаб Насибага "Буни кесиб кел" десам, ярмидан кўпроғини ўзи еб қўйибди, тушмагур қиз. Болам хафа бўлмайсан-да энди, сенга озгина қолди.

— Наҳотки, бундан олдин бирор нарса деб сизлардан хафа бўлганмидимки, энди хафа бўлсам, борига кўниб келяпмиз-да, – деди ювиқсиз юзини буруштириб.

Ҳовли сув қуйгандек жим-жит. Аммо бу жим-житликни айвондаги ғийқиллаган машина овози бузди. Кўзгу олдида тоғни урса талқон қиладиган Нодиржон сочини оҳисталик билан бир тарафга тараб, қаергадир йўл оляпти. Айвондаги машина овози тинди ва онаси ўзгача табассум билан Нодиржонга тикилди.

— Вой ўзимни паҳлавоним-эй, болажонимни бўйи чўзилиб куёвликка даъвогар бўлиб қолибди-ю, мен эси йўқ онанг бундан бехабар қолибманку, – деди, қонсизликдан қорайиб кетган лабларига табассум югуриб.

— Ая уялтирманг. Ўзи кеча ўртоқларим ёнида "тойчоғим" деганингизга ҳаммалари устимдан кулишди.

— Хўп болам, хўп. Бошқа унақа қилмайман, – деди ўзини кулгудан аранг тийиб.

Фарзанди анча кўзга кўриниб қолганиданми ёки катта қизи Нафисага келаётган совчиларнинг кети узилмаганиданми Гулмира опанинг кўзлари кечгача қувончдан порлаб юрди. Кўчада ёхуд уйда кимни кўрса, унга ўзгача табассум ҳадя этарди. Лекин афсуски, кечқурун дастурхон атрофида унинг қалбини тилка пора қилган бир янгилик бугунги қувноқ кўзларга адо бўлмас ғам солди. Эрталаб ясан-тусан қилиб кетган ўғил кечки пайт бир гапни айтиб қолди:

— Ая, дада эртага эрталаб мен ишлаш учун хорижга кетяпман. Мени қолдиришга уринманглар. Қачонгача каталакдек уйда тақдиримга тан бериб ўтираман? Мен ҳам ўртоқларим сингари "Ласетти", "Жентра" мингим келади. Шундай экан, орзуларим ортидан қувиб кетяпман, – деди ва шу заҳоти ўрнидан туриб кетди. Саҳарда Гулмира опа уйғонса, ўғли аллақачон йўлга отланиб бўлган, унинг йўлини эса ҳеч ким тўса олмасди. Қалби аламларга тўлган ота тинмасдан сигарет чекиб, бир оғиз сўз айтолмас, кечаги хурсандчиликдан кўзлари чарақлаган аёл, бугун шабнам томчилари каби кўз ёшлар тўкарди. Буларнинг барига кечаги куёвликка даъвогар Нодиржон сабаб эди. Қани энди у ўзга юртнинг нони ичида тўқмоқдек тоши борлигини билса...

Орадан тахминан уч ой вақт ўтди. Шунча вақт ичида қани эди атиги 15 дақиқага онасига қўнғироқ қилиб, "Она, мен яхшиман. Хавотир олманг." дея олса. Бироқ шу икки оғиз гапни айтиш учун Нодиржонда нафақат вақт, балки хоҳиш ҳам йўқ эди. Чунки, унинг дийдаси қаттиқ, юраги эса аллақачон тошга айланиб улгурган эди. Шу уч ой ичида бир ўзбек боласи нафақат халқига, ҳаттоки, ўз онасига ҳам қарши қурол кўтаришга тайёр эди. Айтишингиз мумкин, қандай қилиб бу бола бундай абгор ҳолга келиб қолди, деб....

Нодиржоннинг энди келган пайтлари эди. Ўзга юрт шаҳарларида иш қидириб дарбадар кезарди. Дўстлари томонидан жаннатдек тасвирланган "дўзах" кўчаларида ишсиз, бир бурда нонга муҳтож аҳволда юрарди. Энди 21 баҳорни қаршилаган бир ўзбек боласининг фожеаси эди бу.

Лекин Нодиржоннинг наздидаги бу фожеанинг умри қисқа экан. Яқинда танишган улфатлари уни иссиқ тўшак ҳамда иссиқ овқат билан таъминлашди, шу билан бирга, унинг онгини заҳарли ғоялар билан бойитишди. Энди Нодиржонга ҳеч кимнинг кераги бўлмай қолди. Дўстлари томонидан совға қилинган ягона қурол уни бошқа Нодиржонга айлантирди. Ҳозирда, унинг олдидаги асосий мақсади, Афғонистонга ҳижрат учун кетган дўстларига жангда ёрдам бериш эди. Шу уч ой элликка ҳам кирмаган онани саксон ёшли кампирга айлантирди. Фарзанд доғи ёмон экан. Урмайди - сўкмайди, бироқ фарзанд учун куйгувчи онани еб адо қиларкан.

Нодиржон кетганидан буён ҳовлида қўрқинчли бир сукунат ҳукмрон эди. Оиласи учун бир чўпни олиб у ёқдан бу ёққа қўймаган ўғил барча оила аъзолари учун қадрли эди. Гулмира опа ҳар куни кўз ёш қилади. Қани энди, бир мартагина жоним боламнинг овозини эшитсам дейди. Биласизми, ҳар бир нарсанинг ўз чегараси бор, лекин она меҳри ҳеч қандай чегарага бўйсунмайди, у фарзанд танламайди, у яхши ёмонини танламайди, чунки у она меҳридир. Шунча меҳр эвазига фарзандидан кўргани айрилиқ, ғам-андуҳ бўлди. Ўзга юртларда динни ниқоб қилиб олиб, ўз диндошларининг жонини олаётган қаллоб ўғил бир бора бўлса-да, мен яхшиман, хавотир олманг, ая, деса. Афсус, минг бора афсуслар бўлсин, шундай фарзанднинг дунёга келганига…

Иссиқ шамол чўл ўртасида қурилган палаткаларни шундай усталик билан ҳилпиратардики, худди кимдир аёвсиз тўхтамасдан ҳуштак чалаётгандек. Чеккагинада қурилган бир палаткага суянибгина соч-соқоли ўсиб кетган бир одам ажал даракчиси бўлмиш қоп-қора милтиққа суянганча нималарнидир ҳаёлидан ўтказяпти. Унинг ҳаёлини тўсатдан осмонга узилган ўқ овози бузди. Шиддат билан қуролини қўлига олиб оғиз-бурни кирлигидан ранги қандайлиги билинмай кетган мато билан ўралган одамлар тўдаси орқасидан югурди. Бу одамлар қаерга кетаётганликларини ўзлари ҳам билишмаса керак. Чунки қаердан ўқ овозини эшитишса, ўша ердан узоқлашишга ҳаракат қилардилар. Лекин, бу ҳаракат зое кетарди. Чунки, ҳар ўқ тўдадан кимнингдир ҳаётини ўз поёнига етказарди. Соч-соқоли ўсиб кетган Нодиржонга аталган ўқ ҳам изидан қувиб келарди. Оғиз-бурни чанга тўлиб кетган Нодиржон кечқурун бир панароқ жойдан ётишга жой топиб ётди-да, шу ўйламай қилган барча ишларини ўйлаб кўзларига ёш олди. Нега энди, шу оқибатни билмайдиган дўстларимга ишондим?! Шу ўйлар остида энди кўзи илинганда, тўсатдан нақ юрагига келиб қадалган бир ўқ кўзларини мошдек очди. Ва шу онда бутун йигирма бир йиллик умри кўз ўнгидан бирма-бир ўтди. Нодиржоннинг кўксини яралаган ўқ танасидан иссиқ билан бирга, афсус надомат кўз ёшларини ҳам олиб чиқди. У ҳаммасини тушуниши учун, тўғри келган одамга ишониб бўлмаслигини ҳис қилиши учун ўз ҳаёти билан товон тўлаши шарт эдими?! Жасади худди ҳайвон жасадидек тупроққа беланиб ётарди.

Одатда вафот этган одамларни аввалига пок кетсин деб, сув билан ювишади, бироқ Нодиржоннинг танаси сув билан ювилиш ўрнига, ўз қони ва кўз ёшлари билан ювилди. Қанчалар фожеали ўлим. Эссиз йигирма бир йиллик зое кетган она умри.

**Маржона ТУРСУНОВА,**
**СамДЧТИ талабаси.**

# ЖЮЛЬ ВЕРННИНГ ОРЗУЛАРИ

(Охири. Бошланиши олдинги сонда)

**Самарқанд давлат чет тиллар институти Роман-герман тиллари факультети 2-босқич талабаси Азиза ХАЙРУЛЛАЕВА француз тилидан ўзбекчага таржима қилди.**

## Денгиз ва унинг сирли ороллари...

Китоб саҳифаларида Жюль денгизга қулоқ солади. У ўзига номаълум бўлган тилларни тинглайди. Дунёни эшитади. Дунё эса уни саргузаштлар оламига чорлайди...

Гоҳ-гоҳида Жюлнинг оиласи Нантдан 20 километр узоқликда жойлашган Бренс шаҳридаги Прудент амакиларникига боришади. Прудент амаки жуда ҳам кўп саёҳатларда бўлган. У, ҳатто, Америкада Каракасда ҳам бўлган!



Прудент амаки кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳикояларни уларга сўзлаб берар эди: денгиз ҳикоялари ва сирли ороллар саёҳати! Шу сабабдан Жюль Прудент амакини жуда ҳам яхши кўради.

Бренсда денгиз йўқ. Фақатгина қишлоқлар ва ўрмон бор, холос. Аммо болаларнинг ўйинлари фақат денгизлар иштирокида содир бўлади. Жюль ва Поль дарахтлар тепасига чиқиб олиб ўйнарди. Дарахтлар яхта ва қайиқлар вазифасини ўтайди, болалар эса тўфонли денгизда йўқолган қароқчилардир. Улар уфққа қараб янги орол кашф этишни орзу қиладилар.

Жюлнинг ота-онаси таътил учун Чантенайдан бир уй сотиб олишди. Оила у ерга тез-тез бориб туришарди. Жюлнинг хонасидан Луара дарёси кўриниб турар эди. Қишда дарё кенгаяди ва суви кўтарилади, аммо ёзда унинг суви яна пасаяди ва сариқ қум ороллари кўрина бошлайди.

Жюль кичик қайиқ билан дарёда саёҳат қилади. У деярли ҳақиқий денгизчи! Кунларнинг бирида унинг қайиғи ҳалокатга учрайди ва чўкиб кетади. Жюль эса оролга сакраб ўтиб олишга улгуради.

У ёлғиз, уйидан узоқда. Гуё ўзининг ҳаёлларидагидек ва китоблардагидек ёлғиз эди. У Робинзон Крузони ўйлади ва у энди Робинзон Крузо эди.

Аммо бир неча соатдан кейин денгиз суви пасайди ва Жюль денгизни пиёда кесиб ўтишни уддалади!

Хулоса қилганда, бу ҳам бир саргузашт эди. Бир кичик саёҳат, Жюль уни ҳеч қачон унутмайди.

Кейинчалик Поль денгизчи бўлади. Жюлчи? У ҳам акаси сингари денгизчи бўлишни, саёҳат қилишни, ажойиб саргузаштларни бошдан кечиришни хоҳлайди. Аммо отасининг Жюль учун бошқа режалари бор эди: ҳуқуқ соҳаси бўйича таълим олиш, жиддий касбни эгаллаш, эҳтимол адвокатликнидир... Жюль эса бундай ўйламайди. У ҳуқуқ соҳасига унчалик ҳам катта қизиқиш билдирмас эди. Жюль улардан кўра ўзининг ўйинларию, орзуларини афзал кўрарди.

Ой Жюлнинг келажакда буюк ҳаёлпараст бўлишини билгандек жилмайиб турибди. Жюлнинг ҳаёллари китобга айланади. Китоблар эса бутун дунё бўйлаб орзулар ва ҳаёллар яралишига асос бўлади.

Худди ой айтганидек: денгиз саёҳатлари, ҳалокатга учраган кема саргузаштлари, қум орол ҳикояси айнан шундай китоблардир ...

Кейинчалик, Жюль Робинзон Крузо ҳақида кўплаб янги воқеаларни ўйлаб топди…

Масалан, сирли оролда йўқолган ит ва беш киши ҳақида афсона… Сирли орол, ҳаёлларнинг бир меваси эди…

Масалан, йўқолган бир гуруҳ ўсмирларнинг оролдаги икки йили! Икки йил таътил! Қандай ажойиб орзу!

**Тамом.**

**Азиз талабалар!** *Бу лойиҳада сиз иштирок этишингиз ва ўзингизни ижод соҳасида бемалол синаб кўришингиз мумкин. Лойиҳамизнинг шартлари оддий бўлиб, берилган ҳикоядан парчани давом эттиришингиз (тўлдиришингиз) ва саволларимизга жавоб беришингиз керак бўлади. Энг яхши деб топилган ижод намуналари газетамизнинг кейинги сонларида оммага тақдим этилади. Саволларга тўғри жавоб йўллаган талабалар газетамизнинг кейинги сонларида сурати билан эълон қилиб борилади. Ижод намуналарингизни ва жавобларингизни +99893 359 73 78 рақамига Телеграм мессенжери орқали йўллашингиз мумкин.*

***«Энг интеллектуал талаба» лойиҳасининг бу галги ғолиблари билан танишинг. Газетамизнинг олдинги сонида чоп этилган «Кексаларни эъзозлаш» ҳикоясининг давоми ва саволларнинг тўғри жавоби қуйида келтирилади.***

# ЭНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАЛАБА

## Кексаларни эъзозлаш

### *Ҳикоянинг биринчи якуни*

...ва мазаси қочиб боғнинг ўртасига йиқилди. Шу пайт қўшни ҳовлидан Қаҳҳор ака кириб келди. "Отаназар ота, Отаназар ота қаердасиз", – деб ичкарини қаради. Ичкарида йўқ экан. Энди кетаётган пайт боғга назар ташласа, Отаназар ота ётарди. Югуриб келиб, Отаназар ота, сизга нима бўлди, деб тез ёрдам чақирди. Отаназар отани шифохонага олиб келишди. Қаҳҳор ака эса, Отаназар отанинг фарзандларини чақирди. Фарзандлари ҳамма ишларини ташлаб шифохонага югуриб келишди. Тўнғич ўғли шифокордан сўради:

— Отамга нима бўлди?

— Отангиз юрак хуружини бошидан кечирдилар.

— Ҳозир аҳволлари қандай?

— Ҳозир аҳволлари анча яхши. Лекин яна бир бор бу ҳолат такрорланса, унда кеч бўлиши мумкин. Отангизга ғамхўрлик қилинг, у кишини ёлғиз қолдирманг.

— Хўп, доктор. Ҳозир уларни кўрсак бўладими.

— Ҳа бўлади.

Тўрт фарзанд Отаназар отанинг олдига кирди. Ота, бизни кечиринг, иш деб сизга вақт ажрата олмадик. Биз ноқобил фарзандларингизни кечиринг, дея кўз ёш тўкишди.

Азизлар, ота-она ғанимат. Уларни қадрлайлик, уларга пул, уй ёки мошина беришингиз мумкин, лекин улар сизнинг бир соатлик меҳрингизга тенг келмайди, зеро, кексайган чоғларида ҳассага эмас, сизга суянсинлар!





**Отабек ХОЛМУРОДОВ, СамДЧТИ Роман-герман тиллари факультети талабаси.**

### *Ҳикоянинг иккинчи якуни*

Отаназар ота аввал ҳеч ҳам соғлигидан шикоят килмаган ва бунақа оғриқни биринчи бор ҳис қилиши эди. У бироз дам олсам ўтиб кетар деб, ҳовлисидаги ўриндиққа ўтирди. Озроқ вақт ўтгач оғриқ босилди ва Отаназар ота яна ўз ишлари билан оввора бўлди. Бироқ кечга бориб у яна кучли оғриқни ҳис қилди ва ҳушидан кетди. Бу вақтда Холида опа қўшнисиникидан келиб Отаназар отани қидира бошлади. Ҳеч ердан топа олмагач ҳовлидаги боғга кирди ва Отаназар отани беҳуш кўриб бақириб юборди. Бироз вақт ўтгач Отаназар ота йиғи овозидан уйғониб кетди. "Отажон, илтимос биз нодон фарзандларингизни кечиринг! Биз келдик, ота! Кўзларингизни очинг, отажон!" Сўзларини эшитиб қулоқларига ишонмади ва кўзларини очиб қарасаки, барча фарзандлари унинг бошида йиғлаб турган экан. «Хайрият, кўзингизни очдингиз, яқинларингизни қўрқитиб юбордингиз-ку, отахон», деди оппоқ халатли шифокор аёл жилмайиб. «Ўзингизни уринтириб қўйибсиз, энди бироз дам олинг, сизга сиқилиш, оғир юк кўтариш мумкин эмас, ўзингизни эҳтиёт қилсангиз, бошқа касал бўлмайсиз, саломат бўлинг, мен эртага яна келиб хабар оламан. Энди менга рухсат», дея чиқиб кетди.

Отаназар ота фарзандларини кўриб, хурсандлигидан касаллиги ҳам ёдидан кўтарилди.



**Шаҳло МУҲАММАДИЕВА, СамДЧТИ Инглиз тили II факультети талабаси.**

### *Ҳикоянинг учинчи якуни*

Отаназар ота ҳовлисидаги мўжазгина боғида ишлаётганида кўксида олдин ҳеч ҳис қилмаган ғалати оғриқни ҳис қилди. Бу қалб оғриғи эди. Чунки Отаназар ота фарзандларини жуда соғинган, фарзандлари эса ишини баҳона қилиб, Отаназар отани кўргани келмас эди. Унинг фарзандлари билмасдан дилини оғритиб қўйди. Яъни, биз сизга пул юбораётган бўлсак, ўша пулларни ишлатиб ўтирмайсизми, дейишди. Фарзандларининг бу гапларидан сўнг Отаназар отанинг қалби оғриди. Чунки бу гапни «вақти келиб ўз фарзандларимдан эшитаман» деб ўйламаган эди. Ота ҳам фарзандларининг озроқ меҳрини қўмсаган эди. Бу гапдан сўнг Отаназар отанинг мазаси қочиб қолди. Отаназар ота рафиқаси Хосият момони чақираётганда ўша пайтда тўсатдан ёшлигида таълим берган ўқувчиси келиб қолди. Отаназар отани дарҳол касалхонага олиб борди ва шифокорлар Отаназар отага биринчи ёрдамни кўрсатди , Отаназар ота ўзига келди ва кўзини очди. Шифокорлар:

— Сизни вақтида касалхонага олиб келишди, бўлмаса, сиздан ажралиб қолардик. Ўқувчингизга минг раҳмат, вақтида уйингизга келиб қолгани бу бир бахтдир. Сизни Аллоҳнинг ўзи асради.

Бу, албатта, Отаназар отанинг вақтида ўша ўқувчисига берган таълим ва тарбияси мевасидир. Хосият момо ўз фарзандларига телефон орқали қўнғироқ қилиб вазиятни тушунтирди. Бу хабарни эшитган фарзандлар етиб келишди. Шунда бош шифокор:

— Қаранг, ўз фарзандлари тирик бўла туриб ўз ота-онасидан хабар олмаган фарзандларни биринчи кўриб турибман, отангизни ўз вақтида олиб келган ўқувчиси Беҳрузга раҳмат айтинглар. У бўлмаганда отангиздан ажралиб қолар эдингиз. Шукрки, ундай бўлмади, Худойим ҳам сизларга бир яхшилик қилди. Энди қадрига етинглар, – деб отанинг фарзандларига насиҳат қилди. Отаназар отанинг фарзандларига Беҳруз:

— Ота-она ғаниматдир, ота-онамизни ҳаётлигида қадрига етайлик уларни эъзозлайлик, меҳр берайлик, уларга далда бўлайлик. Ота-онамиз олдидаги ўз фарзандлик бурчларимизни бажарайлик, шунда биз кам бўлмаймиз, – дея ўз маслаҳатини берди.

Дунёдаги энг бой одам ким десалар, мен шундай деб жавоб қайтараман – уйида ота-онаси дуо қилиб турган инсондир, мен ёшлигимда ота меҳрига жуда зор бўлганман. Шунинг учун вақтида ота-онангизни қадрига етингизлар, ота-онангизнинг дуосини олингизлар, кам бўлмайсизлар.

*Ижодкорлик*

BILASIZMI?

Ҳозир фарзандларингиз сизни нима қилаётганингизни кўриб турибди, эртага улар сизга ҳам шундай муносабатда бўлишади. Шундан буён Отаназар отанинг фарзандлари ҳеч қачон ота-онасини ёлғиз ташлаб кетмайдиган ва ҳар доим ёнида турадиган бўлишди.



Бундан оладиган ҳиссамиз шуки, ота-онасидан моли-давлатни устун қўйиш турфа хил салбий оқибатларга дучор қиларкан. Шунинг учун, азиз фарзандлар, ота-онамизни бизни ташлаб кетгандан кейин эмас, балки ҳаётлигидаёқ қадрига етайлик. Ота-она учун пул, мол-у давлат муҳим эмас. Баъзи фарзандлар ўйлашадики, «мен ота-онамга ҳамма шароитларини яратиб қўйганман, ота-онамдан хабар олмасам ҳам бўлади», деган мутлақо янглиш фикрга боришади. Сиз адашасиз. Ҳар қачон, ҳар вақт улар сиз ҳақингизда қайғуришади. Бу дунё ғаниматдир, шундай экан, бу дунёда бор нарсани борича қадрига етайлик. Кейин афсус чекмаслик учун.

Азиз фарзандлар, сиз ҳам билиб-билмай ота-онангизнинг кўнглини оғритган бўлсангиз, ҳозир ҳам кеч эмас, бориб ўз хатойингизни тўғриланг. Ахир ота-онамиз бизнинг суянган тоғимиздир.

**Олтин олма дуо ол,**
**Дуо олтин эмасми?**

Бу мақолнинг маънисига етиш, ота-онанинг дуоси қанчалик кучга эга эканлигини билиш учун ота-онасидан дуо олиб юрган фарзандларни кўз олдингизга келтиринг.

**Асилбек АБДУРАЗЗОҚОВ, СамДЧТИ Инглиз тили II факультети талабаси.**

***Қуйида берилган ҳикояни давом эттиринг ва саволларимизга жавоб йўлланг. Лойиҳамизнинг кейинги ғолиби айнан сиз бўлишингиз мумкин!***

## ТАҚДИР ЧАРХПАЛАГИ

Комила институтга ўқишга кирди. Ҳаётининг олтин даврлари бошланди. Шу давр мобайнида гуруҳидаги курсдоши Дилшод исмли йигит Комилада кўнгли бор эканлигини айтди. Комила ҳам Дилшодга бефарқ эмас эди. Аммо Комила ота-онасининг ёлғиз қора кўзи, Самарқанднинг эркаси, Дилшод эса Хоразмлик мард йигит.

Оилада ягона қиз бўлганли туфайли Комиланинг ота-онаси бу тўйга қарши эди. Лекин Комила оёқ тираб туриб олганлиги учун ота-онаси ноилож тўйга рози бўлишди. Комила тўйдан сўнг кўз-кўзга тушиб, ота-онасининг Дилшодга нисбатан кўнгли исиб қолар, деб ўйлаган эди. Мана 6 йил ўтса ҳамки, аҳвол ўзгармади.

Комила ҳар ота уйига келганида онаси: "Битта қизимни обрў-эътиборли хонадонга бериб, орзу-ҳавас билан қуда-андачилик қиламан дегандим, пешонам қурсин" – деб нолийди. Ойисига дил ёриб гапиришга қўрқади Комила. Йиллар ўтгани сайин худди онасининг Дилшодга нисбатан муносабати ёмонлашаётгандек...

***Давом эттиринг!***

**САВОЛЛАР:**

1. Дунёдаги энг баланд телеминора қайси давлатда жойлашган?
2. "Педагог" сўзи юнончадан таржима қилинганда қандай маънони англатади?
3. Юртимизда нечанчи йил "Оналар ва болалар йили" деб номланган?
4. Телеграм ижтимоий тармоғига қачон асос солинган?
5. Хаққулобод шаҳри республикамизнинг қайси вилоятида жойлашган?
6. "Сусамбил" эртагида эшшак Сусамбил ҳақида кимдан эшитган эди?
7. Тананинг қайси аъзоси инсоннинг бешта ҳиссиётидан бири бўлган "фаровонлик туйғусини" англайди?

**Ирода ШАМСИЕВА тайёрлади.**

**Қуйида газетамизнинг ўтган сонида берилган саволларнинг тўғри жавоблари билан танишинг:**

1. Антрактида;
2. Марс;
3. Леонардо Да Винчи;
4. Сумалакнинг тоши;
5. Апатеид;
6. Ден Сяопин;
7. Тинч океани.



**Саволларга СамДЧТИ Роман герман тиллари факультети талабалари Жавоҳир САМАДОВ ва Отабек ХОЛМУРОДОВлар тўғри жавоб йўллашди.**
*Суратда: Жавоҳир Самадов*

*ШЕЪРИЯТ*

## ШУНЧАКИ

*Дунёга келаркан беғубор гўдак,*
*Гўёки очилган ғунча гул мисол.*
*Танҳо унда бўлар бетакрор юрак,*
*Болалик қайтса, деб қиламан хаёл.*

*Афсус, бу шунчаки ширин орзуйим,*
*Шукр қилмоқ керак ҳар кунимиз-чун.*
*Бошдаги синовлар гўзал ёғдуйим,*
*Лек баъзан шунчаки бўламан маҳзун.*

*Синовлардан толиб, қийналсанг, эй дўст,*
*Гарчи тополмасанг қадрдон ўрток.*
*Ношудлардан тониб, иймансанг, эй дўст,*
*Қўлларингни оч ва осмонга боқ.*

**Акмал ЮНУСОВ, СамДЧТИ талабаси.**

## ОНА ҚИШЛОҚ

*Мен бағрингдан учиб кетдим каптардайин,*
*Бу бир қисмат – ойда-йилда бир бор келмоқ.*
*Онам, десам, соғинч титраб қўяр майин,*
*Олисларда омонмисан, она қишлоқ?*

*Тунлар бедор онам айтган аллаларда,*
*Бахт бор эди, дард бор эди, меҳр - қайноқ.*
*Садолари юрагимни элитгувчи,*
*Ул аллайи нолонмисан, она қишлоқ?*

*Бугун қолган кенг даштликлар менсиз ғариб,*
*Мол боқардим яйловларда шўх-у қувноқ.*
*"Ялпизларга ошиқ қизча қаерда?" деб,*
*Билолмайин ҳайронмисан, она қишлоқ?*

*Чанг кўчангдан болалигим кетиб борар,*
*Орқасидан қўл силкийди қувлашмачоқ.*
*Ширин таъми танглайимда қолиб кетган,*
*Онам ёпган ширмонмисан, она қишлоқ?*

*Юрагимда ор куртаги ниш урган жой,*
*Илк муҳаббат, биринчи дард, илкин сабоқ.*
*Алангаси томиримга оқиб кирган,*
*Таърифи йўқ туғёнмисан, она қишлоқ?*
*Интиҳосиз достонмисан, она қишлоқ?*



**Шомуродова Ситора Ҳошим қизи**, 1992-йил 20-мартда Самарқанд вилояти Ургут тумани Қуйи Тегана қишлоғида туғилган. Самарқанд давлат университетининг таянч докторанти. Вилоят ва республика нашрларида, жумладан, "Туркистон", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Ўзбекистон овози", "ЎзМУ хабарлари", "Зарафшон", "Улуғбек ворислари", "Самарқанд овози" каби газеталарда шеърлари ҳамда публицистик мақолалари чоп этилган. Бундан ташқари, шеърлари "Ялпизларга ошиқ қиз" номи билан 2008-йилда китоб ҳолатида чоп этилган, шунингдек, "Самарқанд садоси", "Ургут оҳанглари", "Назм силсиласи", "Самарқанд мушоираси" каби баёзларга киритилган.

# Хориждан гапирамиз

## Инсон неча йил умр кўриши маълум бўлди

**Бу масалани Сингапур, Россия ва АҚШ олимлар назарий жиҳатдан ўрганиб чиқишди. Олимлар инсон организми ҳолатини баҳолаш учун биологик ёш тушунчасидан фойдаланишади. Биологик ёш кўпинча инсоннинг ҳақиқий ёшига мос келмайди. Биологик ёшни аниқлаш учун махсус биомаркерлар - қаришни прогноз қилувчи кўрсаткичлар қўлланади.**



Тадқиқот муаллифлари биологик ёшни қон таҳлили бўйича аниқлаш усулини ишлаб чиқишди ва биологик қаришни баҳолаш учун универсал комплекс кўрсаткич DOSI'ни (dynamic organism state indicator - организмнинг динамик ҳолати кўрсаткичи) қўллашни таклиф қилишди. У организмнинг жисмоний бардошлилиги умумий даражасини кўрсатади.

Тадқиқотчилар олинган маълумотлар асосида инсон организми бардошлилиги 120-150 ёшда энг паст даражада бўлишини, жумладан, 150 ёшда нолга яқинлашишини аниқлашган. Бундан эса инсон назарий жиҳатдан кўриши мумкин бўлган максимал умр 150 йилга тенглиги ҳақидаги хулосага келинган.

## Эйфель минораси катталигидаги астероид Ерга яқинлашди

**1 июнь куни Эйфель минорасидан каттароқ астероид Ер яқинидан учиб ўтади. Американинг Аэронавтика ва коинотни тадқиқ қилиш бошқармаси (NASA) ушбу астероидни потенциал хавфли астероидлар сирасига киритмоқда, аммо у Ер яқинидан эсон-омон учиб ўтиши кутилмоқда.**



2021 KT1 астероиди Ерга Тошкент вақти билан 1 июнь куни 19:24 да яқинлашади. Албатта, астероид ва Ер ўртасидаги масофа космик кўламга эга: 2021 KT1 Ерга тахминан 7,2 миллион километр масофада яқин келиши кутилмоқда.

Бу Ер ва Ой ўртасидаги масофадан, тахминан, 19 марта каттароқдир. Шунга қарамай, бу астероиднинг анча яқин келиши ҳисобланади, у соатига 64 минг километр тезликда ҳаракатланади. Астероиднинг диаметри 150-330 метр бўлиб, бу тахминан учта футбол майдонига тенг. Астероиднинг Ерга тўқнашиши эҳтимоли кам, аммо у нолга тенг эмас.

## Олтинчи бармоқ кўринишидаги қурилма

**Олимлар бир вақтнинг ўзида битта қўлда қаҳва идишини ушлаб, шу қўлнинг ўзида қошиқча билан унинг ичини аралаштиришга ёрдам берадиган ноодатий қурилма - қўшимча катта бармоқни яратди.**




Ушбу катта бармоқни тестдан ўтказишга рози бўлган 36 нафар кўнгилли кунига уч соат давомида уни тақиб юриб, кундалик ҳаётда бу каби қурилманинг фойдаси тегиши мумкин бўлган кўп нарсаларни аниқланган. Девайс жимжилоқ бармоқ остига жойлаштирилиб, тасмалари билан билакка боғлаб қўйилган.

Маълум қилинишича, қўшимча бармоқ ҳаракати фойдаланувчи оёғининг бош бармоғига қотирилган датчиклар ёрдамида бошқарилган, алоқа эса билак ва тўпиққа бириктирилган симсиз технология орқали амалга оширилган. Одамлар оёқ бармоғини қимирлатиш орқали қўлдаги қўшимча бармоқни турли йўналишларга буриши мумкин бўлган.

## Янги ижтимоий тармоқ оммалашмоқда

**Янги Poparazzi ижтимоий тармоғи App Store мобил дастурлар дўкони рейтингида энг кўп юклаб олинган дастурлар орасида биринчи ўринни эгаллади. Дастур Instagram принципи бўйича ишлайди, фақат фойдаланувчилар ўз профилини суратлар билан тўлдириб ташлай олмайди, буни унинг дўстлари амалга оширади.**



Бошқа одамлар дўстларининг суратларини унчалик танлаб ва қайта ишлаб ўтирмайди ёки фильтрлардан фойдаланавермайди. Шу сабабли Poparazzi ижтимоий тармоғи Instagram ва бошқа ижтимоий тармоқларга қараганда анча табиий ҳамда "жонли" бўлиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, фойдаланувчилар барибир ўз суратларини юклай олади, аммо дўстларининг лентасида бегона суратлар каби камдан кам ҳолларда кўриниш беради. Бироқ бу ерда ҳам маълум чеклов бор - суратни эълон қилгунга қадар фильтрлардан фойдаланиш мумкин эмас, постлар остига изоҳ қолдириб бўлмайди ва бошқа фойдаланувчилар ҳам обуначилар сонини кўра олмайди.

## Очликни ўчириб қўядиган "тугма"

**АҚШдаги Бэйлор тиббиёт коллежининг бир гуруҳ олимлари миянинг очликка нисбатан ишлаш принципига оид кўплаб маълумотларни қўлга киритди. Улар охирги маротаба бундан бир неча соат олдин овқатланилган бўлсада, очлик ҳиссини сезиларли даражада камайтиришга қодир иккита нейронлар гуруҳини топди.**



Ушбу механизм ҳозирда сичқонларда муваффақиятли синовдан ўтказилган - уларда овқат ейиш иштиёқини босиш ва очлик ҳиссини сусайтиришга муваффақ бўлинган. Нейронлар гуруҳини ингибирлаш орқали акс натижага ҳам эришиш мумкин - ушбу ҳолатда сичқонлар тўйганини билмай, ортиқча ейишни бошлаган.

Инсонларда ҳам шу каби натижа бериш-бермаслигини аниқлаш учун алоҳида тадқиқот ўтказиш лозим. Агарда мазкур жараён одамларда ҳам сичқонлардаги каби амалга ошса, олимлар осонлик билан очлик даражасини бошқариши, қўшимча ҳаракатларсиз диетасиз калорияларни истеъмол қилиши мумкин.

Потенциал жиҳатдан бу қандли диабет, ортиқча вазн ва овқат ҳазм қилиш тизимининг бузилиши каби касалликларга қарши курашнинг янги имкониятларини очади.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

INTELLEKT

Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар институти

Муҳаррир: Ваҳобжон АВАЗОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ(раис),Фазлиддин РЎЗИҚУЛОВ, Отабек ҒАЙБУЛЛАЕВ, Шахобиддин АШУРОВ, Эрали РАҲМАТОВ(аъзолар)

*Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси 93-уй. Телефон: +99893 359-73-78*

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Админстрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Самарқанд вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2020 йил 22 июлда 09-15 рақам билан рўйхатга олинган.
Газета «INTELLEKT» газетаси таҳририяти компьютерида саҳифаланди. «Шердор плюс полиграф» босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, 140100, Улуғ Турсунов кўчаси 82-уй.
Қоғоз бичими: А-2. Адади: 1000 Буюртма: № _______

*Босишга топшириш вақти: соат 17.00 да. 2021 й. 31 май*
*Босишга топширилди: соат 17.00 да*

*Баҳоси келишилган нархда*

*t - тижорат материал*

***Навбатчи муҳаррир:*** *А.АБДУРАИМОВ.*

***Саҳифаловчи:*** *В. АВАЗОВ.*

***Нашр индекси 5588***

***Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди. Муаллиф нуқтаи назари билан таҳририят фикри тўғри келмаслиги мумкин.***